

АЖРАТИЛГАН ГАП БЎЛАКЛАР ТАҲЛИЛИ ТЎҒРИСИДА

Жумаев О.¹, Акматалиева Ч.²

Аннотация:

Германшунос олимларнинг ажратиш ҳодисасини ўрганишга бағишлаб ёзган илмий-тадқиқот ишлари билан танишишни давом эттирар эканмиз, улар томонидан ажратиш ҳодисасининг янги-янги хусусиятлари изоҳланаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Калит сўзлар: ажратилган бўлак, гап бўлаги, морфологик хусусият.

doi: <https://doi.org/10.2024/nme28z17>

Ажратилган бўлакларга хос бўлган бундай хусусиятлар ичида, биринчи навбатда уларни юзага келтиришда бевосита таъсир этувчи омиллар кўз олдимизда намоён бўлади. Шу сабабли ҳам биз ушбу илмий мақола доирасида айрим германшунос олимларнинг шу соҳа бўйича айтган фикр-мулоҳазаларини келтиришни ва уларга нисбатан маълум даражада тегишлича муносабат билдиришни асосий мақсад қилиб оламиз. Масалан К.Я.Петровская инглиз тили устида олиб борган илмий-тадқиқот ишларида ҳолли, аниқловчили ва тўлдирувчили ажратилган бўлакларга хос бўлган хусусиятларни ўрганиши жараёнида, гап бўлакларининг ажратилишига таъсир этувчи омилларни қуйидаги тартибда изоҳлайди: 1) иккинчи даражали бўлакларнинг маъно хусусиятлари; 2) иккинчи даражали бўлакларнинг ифодаланиш усуллари; 3) аниқловчиларнинг ифодаланиш усуллари; 4) иккинчи даражали бўлакларнинг гап таркибида тутган ўрни; 5) бир нечта иккинчи даражали бўлакларнинг параллел мавжудлиги ва уларнинг бир бирларига нисбатан изоҳланаётган компонент функциясида келиши; 6) иккинчи даражали бўлакларнинг ҳажми; ва ниҳоят 7) муаллифнинг шу гап бўлагининг маъносини бўрттириб, бошқалардан ажратиб кўрсатиш нияти (К.Я. Петровская, 1953, с.18). Гап бўлакларининг ажратилишда таъсир этувчи К.Я. Петровская томонидан таклиф этилган бундай омиллар, Г.В.Колшанскийнинг "Грамматическая функция обособления членов предложения" мавзусида 1962 йилда чоп этилган илмий мақоласида маълум даражада морфологик умумий характерга эга бўлади. Муаллиф рус, немис ва бошқа бир қатор тилларда учрайдиган ажратилган бўлакларнинг грамматик функциясини ўрганиш жараёнида, уларнинг юзага келтирувчи омиллар тўғрисида қуйидагича хулосага келади: 1) аниқловчининг морфологик хусусияти; 2) аниқланмишнинг морфологик хусусияти; 3) аниқланмишли гуруҳларнинг таркибий қисми ва уларнинг кенгайиш усуллари; 4) аниқланмишли гуруҳларнинг тутган ўрни; 5) аниқловчиларга нисбатан ёнма-ён турувчи бошқа аниқловчилар; 6) бошқа бир қатор грамматик омиллар (Г.В. Колшанский, 1962, с.36).

¹ Жумаев О., СамДЧТИ ўқитувчиси

² Акматалиева Чинара Туленовна, старший преподаватель ОП "Лингвистика и педагогика" Кыргызско-Казахский Университет, г.Бишкек

Германшунос олимларнинг гап бўлаklarининг ажратилишига таъсир қилувчи омилларга нисбатан билдириб келаётган бундай муносабатларини бир-бирига қиёс қилиб ўрганар эканмиз, уларнинг бу соҳадаги фикр-мулоҳазалари бир хил эмаслигига гувоҳ бўламиз. Лекин шу нарсага алоҳида урғу бериш лозимки, германшунос олимларнинг ажратиш ҳодисасига нисбатан бўлган қарашлари, фикр-мулоҳазалари хилма-хил бўлишидан қатъий назар, улар ягона бир нарсага, яъни танланган мавзунинг барча хусусиятларини изоҳлаб беришга йўналтирилган. К.Я. Петровская ва Г.В. Колшанскийларнинг ушбу соҳа бўйича айтган баъзи бир фикр-мулоҳазалари ҳам юқорида келтирилган тезисни яна бир бор тасдиқламоқда. қиёслашда ҳам кузатиш мумкин. Улар томонидан ажратилган бўлаklarнинг юзага келтирувчи омилларни аниқлаш бўйича қўлланилган қўлланилган методлари айнан бир-бирига ўхшаб кетади. Уларнинг бир бирига яқинлигини қуйидагача изоҳлаш мумкин. Масалан: К.Я. Петровскаянинг № 2, 3- рақамлар билан қайд этилган омиллари, Г.В. Колшанскийнинг № 1, 2- рақамларда қайд этган омилларга; шунингдек № 4- рақам билан берилган омил, № 4- рақамда берилган омилга, № 5-рақам билан берилган омил, худди шундай № 5-рақамдаги омилга, №6- рақам билан берилган омил эса, № 3- рақам билан берилган омилларига маълум даражада мос келиши мумкин. Бироқ муаллифлар томонидан бу ерда келтирилган омиллар ўртасида, К.Я. Петровскаянинг № 7- рақам билан берилган омили китобхонда катта қизиқиш уйғотади, чунки “муаллиф” тушунчаси бизнингча у ёки бу ёзувчининг индивидуал услубини эслатади.

К.Я. Петровская ва Г.В. Колшанскийларнинг илмий-тадқиқот ишларида келтирилган бундай омиллар бошқа бир қатор илмий-тадқиқот ишларида янада конкретлаштирилади, тўлдирилади ва янги-янги томонлар билан бойитилади. Фикримизнинг исботи сифатида биз бу ерда китобхоннинг диққат эътиборини илмий-тадқиқот ишларидан яна бирига, аниқроғи С.Г. Ильинанинг ҳозирги замон инглиз тилида феъл-кесим талаби билан ҳосил бўлувчи ажратилган бўлаklarнинг ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишининг мазмунига қаратамиз. Муллик (кўрсатилган мавзуда номзодлик диссертациясини ёзиш арафасида) бир қатор тилшунос олимларнинг ажратиш ҳодисасига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ва уларда келтирилган хулосаларни ўрганган ҳолда, гап бўлаklarининг ажратилишда таъсир қилувчи омилларни қуйидаги тартибда расмийлаштирилишини таклиф қилади: 1) жумланинг мақсади ва унинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги; 2) изоҳланаётган компонент билан ажратилган бўлаklar оралиғидаги синтактик ва семантик алоқа воситаларининг бўшлиғи; 3) ажратилган гап бўлаklари билан матн оралиғидаги махсус ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги; 4) муаллифнинг бирор-бир гап бўлагининг маъносини бўрттириб, бошқалардан ажратиб кўрсатиш нияти; 5) ажратилган гап бўлаklarининг махсус кучайтирувчи воситалар ёрдамида бошқарилиши; 6) коммуникатив алоқа доирасининг даражаси; 7) ажратилган гап бўлаklarининг ифодаланиш усуллари; 8) бир нечта ажратилган унсурларнинг мавжудлиги ва уларнинг бир бирларига нисбатан изоҳловчили функцияларида келиши; 9) ҳар хил структурал тузилишга эга бўлган ажратилган бўлаklarнинг бир-бирларига нисбатан ёнма-ён туришлари; 10) изоҳланаётган компонентга нисбатан ажратилган бўлаklarнинг маълум масофада келиши; 11) ўраб олган муҳит билан грамматик алоқаларнинг бузилиши (С.Г. Ильина, 1990, с.10-11).

Гап бўлаklarининг ажратилишда иштирок этувчи ва муллик томонидан таклиф этилган ушбу омиллар ажратилган бўлаklarга хос бўлган барча функцияларнинг,

яъни синтактик, семантик, стилистик ва коммуникатив функцияларнинг шаклланишида ҳам муҳим рол ўйнаши мумкин.

С.Г. Ильина томонидан бу ерда қайд қилган омиллари ичида № 4 – рақам билан берилган омилига алоҳида диққат эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир, чунки ушбу омил К.Я. Петровскаянинг № 7 рақам остида келтирилган омилининг такрорланишидир. “Муаллиф” сўзида ёзувчи гадаланади, шу сабабли ҳам ажратилган гап бўлақларининг матн доирасида қўлланилиши, ёйилиш даражаси, ҳатто уларнинг структурал тузилишининг шаклланиши ҳам – бу ёзувчининг индивидуал услубининг маҳсулидир, бошқачароқ қилиб айтганда, яъни К.Я. Петровская ва С.Г. Ильинанинг таъбирича “муаллифнинг” бирон-бир гап бўлагининг маъносини бўрттириб, уни бошқалардан алоҳида ажратиб кўрсатиш ниятининг маҳсулидир (К.Я. Петровская, 1953, с.18; С.Г. Ильина, 1990, с.9). Гап бўлақларининг ажратилишда ёзувчининг индивидуал услуби қолган бошқа омиллар ичида ягона, энг муҳим, етакчи омил эканлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида Б.Т. Турсуновнинг қуйидаги тезисини бу ерда келтиришни ўринли деб биламиз. Муаллиф ажратиш ҳодисасини илова ҳодисасига қиёс қилиб ўрганиш натижасида шундай ёзади: “Ажратиш ва илова ҳодисалари - бу ўз табиатларига кўра стилистик ҳодисалардир, шу сабабли ҳам уларнинг бадиий матн доирасида ёйилиш даражаси фақатгина у ёки бу ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланади” (Б.Т. Турсунов, 2004, 59- бет).

Ҳақиқатан ҳам у ёки бу ёзувчининг индивидуал услуби нафақат ажратилган бўлақларнинг, ҳатто шунга яқин бўлган синтактик ҳодисаларнинг (биз бу ерда илова, эллипсис ҳодисаларини, шунингдек сўз тартибини назарда тутамиз) ҳам матн доирасида ёйилиш даражасини, қўлланилиш даражасини белгиловчи бирдан-бир омилдир.

Германшунос олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида гап бўлақларининг ажратилишида таъсир этувчи омиллар тўғрисида келтирилган фикр-мулоҳазаларини маълум даражада ўрганиш, маълум тартибга келтириш ва уларга нисбатан тегишлича муносабатлар билдириш қуйидаги хулосаларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин: 1) ажратилган бўлақлар муҳим услуб воситаларидан биридир, чунки уларнинг қўлланилиши, ёйилиш даражаси, ҳатто хилма-хил структурал шаклланиши буларнинг барчаси у ёки бу ёзувчининг индивидуал услубининг маҳсулидир. Шу сабабли ҳам ажратилган бўлақлар масаласи грамматика фани билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади; 2) гап бўлақларининг ажратилишида бир қатор омиллар таъсир қилиши мумкин: гап бўлақларининг тартибини ўзгариши; структурал тузилишининг кенгайиши; инверсия ҳолати; тиниш белгиларининг стилистик функциялари; ажратилган бўлақларнинг изоҳланаётган бўлақларга нисбатан пре-, интер-, постпозиция ҳолатларда келиши; тобелик даражаси; моно- ва полифункционаллик табиати; мавжуд контекстуал муҳит; синтактик алоқанинг бўшлиғи; қўшимча маъно хусусиятлари; муаллифнинг ажратилган бўлақни бошқа оддий гап бўлақларидан алоҳида ажратиш кўрсатиш нияти ва бошқалар...

Ўйлаймизки, бу ерда келтирилган омиллар кўп сонли мисоллар таҳлили ёрдамида янада кенгайтирилиши ва янги-янги омиллар билан бойитилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Ильина С.Е. К вопросу об обособленных зависимых компонентах предложений. Кн.: Лингвистические исследования. М., 1979.-с.94-99.
- [2]. Ильина С.Т. К вопросу о наиболее типичных прилагаемых обособленных элементах в английских научных текстах. Сб.: Общественно-политический и научный текст как предмет обучения иностранным языкам. Тезисы докладов и сообщений. М., 1986.-с.59-60.
- [3]. Ильина С.Т. О некоторых обособленных элементах предложения. Кн.: Дидактико-педагогические основы обучения иностранным языкам научных работников. Л., 1988.-с.119-129.
- [4]. Ильина С.Т. Особенности приглагольных обособлений в английских научных текстах. Кн.: Иностранный язык для специалистов. Психологические, методические и лингвистические аспекты. М., 1990.-с.155-161.
- [5]. Ильина С.Т. Обособленные субстанциальные синтаксемы при глаголе в современном английском языке. Автореф. дисс. на соиск. учен.степени канд. филол.наук. Л., 1990. -24с.
- [6]. Колшанский Г.В. Грамматическая функция обособления членов предложения.-Журнал.: Филологические науки. М., 1962, №1.-с.31-41.
- [7]. Петровская К.Я. Обособленные второстепенные члены предложения в современном английском языке. Автореф. дисс. на соиск.учен.степени канд.филол. наук. М.,1953.-18с.
- [8]. Турсунов Б.Т. Обособление и присоединение.-Журнал: «Илмий тадқиқотлар ахборотномаси». Самарканд: СамДУ, 2004, №2, 57-60 бетлар.